

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ DSc.28.12.2017.1.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВ ЭРКИН ЭРКАМОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ
ШАРОИТИДА АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИК
ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economic
sciences**

Рустамов Эркин Эркамович

Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида аҳолининг иш
билан бандлик даражасини ошириш йўллари 3

Рустамов Эркин Эркамович

Пути повышения уровня занятости населения в условиях
инновационного развития экономики 31

Rustamov Erkin Erkamovich

The ways of the population employment increase under conditions of
innovative development of the economy 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 64

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ DSc.28.12.2017.1.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВ ЭРКИН ЭРКАМОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ
ШАРОИТИДА АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИК
ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 2019.2.PhD/Iqt1032 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.tdiu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдурахмонова Гулнора Қаландаровна
иқтисод фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Умурзоқов Боходир Хамидович
иқтисод фанлари доктори, профессор

Холмухамедов Мухсин Муродиллаевич
Иқтисод фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. 7 корпус. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент ш, И.Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-27;

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.Х. Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., ЎзФА академиги

Н.Т. Шаюсупова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

Ш.Р. Холмўминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида тобора кучайиб бораётган рақобатга бардош бериш, унинг талабларини тўлиқ бажариш, илғор технология ва инновациялардан фойдаланиш аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш даражасини оширишни тақозо этмоқда. Шу боис, жаҳон мамлакатларида янги иш жойлари яратиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга биринчи даражали эътибор берилмоқда. Бу борадаги талабларнинг бажарилиши, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш имконини беради. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) маълумотларига кўра: «2017 йилда жаҳонда меҳнатга лаёқатли ёшларнинг 13,1 %, яъни 70,9 млн. нафари ишсиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 71,1 млн. нафарни ташкил этган, айти пайтда иш билан банд бўлган ёшларнинг ҳам жиддий муаммолари мавжуд. Ҳозирги пайтда жаҳонда ёш ишчиларнинг 39 % - 160,8 млн. нафари кунига атиги 3,1 доллар даромадга эга бўлмоқда. Шу билан бирга, ХМТ экспертларининг ҳисоб-китобига кўра, ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш жаҳон ялпи маҳсулотининг ўсиш суръатини икки бараварга кўпайтиради»¹.

Жаҳонда иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш йўллари аниқлаш мақсадида, меҳнат бозори ва иш билан бандлик, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда унга бўлган талаб ва таклифга доир кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, замонавий иқтисодиётда аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишнинг методологиясини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга «ХМТнинг 2018 йилда жаҳонда иш билан бандликнинг ва ижтимоий ҳимоянинг истиқболлари маърузасида келгусида иш билан бандлик ортининг асосий омили иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳаси бўлиб қолишини, қишлоқ хўжалиги ва саноатда эса иш жойлари камайиб боришини прогноз қилинган»².

Ўзбекистонда аҳолининг ишчанлиги ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг иш билан бандлик даражасини ошириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ҳамда иқтисодиёт тармоқларига инновациялар жорий этилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш»³ каби устувор вазифалар

¹ В МОТ призвали вооружать молодежь навыками, востребованными на рынке труда // <https://news.un.org/ru/story/2017/11/13146>.

² Перспективы занятости и социальной защиты в мире в 2018 году // https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_616001/lang--ru/index.htm

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, www.lex.uz

белгиланган. Шу боис, республикада меҳнат ресурслари балансининг тузилмасини такомиллаштириш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашнинг самарали йўлларида фойдаланиш ҳамда иқтисодиёт инновацион ривожланаётган шароитда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларнинг иш билан бандлик даражасини ошириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 11 июндаги ПҚ-3782-сон «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1011-сон «Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг уствор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат бозори ва иш билан бандлик, меҳнат ресурсларига талаб ва таклиф, тадбиркорлик хусусиятларининг классик ва янги классик назарий-методологик қоидалари А.Смит, Д.Рикардо, А.Маршалл, М.Фридман, А.Пигу, Ж.Б.Сей, Ж.Кейнс, Д.Коэн, М.Минц, П.Самуэльсон, Ж.Рассел, Ж.Гобсон⁴ ва бошқалар томонидан асослаб берилган. Ҳозирги давр шароитларида меҳнат бозорининг функцияси ва иш билан бандликни таъминлаш концепциялари М.Бейли, Д.Гордон, К.Азариадис,

⁴ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов / Пер. с англ. Е.М.Майбурда. – М.: Эскимо, 2007. – 960 с.; Рикардо Д. Сочинения. – М.: Наука, 1961; Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3-х томах / Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1993. – 594 с.; Friedman Milton. Essays in Positive Economics – Chicago University of Chicago Press, 1953; Пигу А. Теория безработицы. – М.: Дело, 1999 Сэй Ж.-Б. Трактат по политической экономии / Сост., вступ. ст. и коммент. М.К.Бункиной и А.М.Семенова. – М.: Дело: Акад. нар. хоз-ва при Правительстве Рос. Федерации, 2000; Hussmanns R. Measuring the Informal Economy: From Employment in the Informal Sector to Informal Employment. // Bureau of Statistics Working Paper. – 2004, no. 53. – Geneva: International labour Office; Минц М., Коэн Д. Энциклопедия малого бизнеса. – М.: Дело. 1996; Самуэльсон П.Э. Экономика / Пер. с англ. 16-е изд. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2003. – С.688.; Рассел Джесси. Пособие по безработице / Джесси Рассел. – М.: VSD, 2016. – 332 с.; Гобсон, Дж. Проблемы безработицы / Дж. Гобсон. - М.: Либроком, 2017. - 152 с.; Классика экономической мысли (Петти В., Смит А., Рикардо Д., Кейнс Д., Фридман М.). - М.: ЭКСМО-Пресс, 2000. – 896 с.

А.П.Даймонд, Р.Буае, Г.Стендинг, Д.Мортенсен ва К.Писсаридес томонидан илгари сурилган⁵.

МДХ давлатларида бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш шароитларида аҳолини иш билан таъминлашнинг илмий муаммолари Р.Л.Агабекян, И.М.Алиев, А.Я.Кибанов, А.Л.Мазин, А.И.Рофе, Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко⁶ ва бошқалар асарларида ўз ифодасини топган.

Бозор иқтисодиёти шароитларида тадбиркорликни ривожлантириш орқали Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат бозорида меҳнат ресурсларига талаб ва таклифни мутаносиблаштириш муаммолари Р.А.Убайдулаева, Қ.Х.Абдурахмонов, Ш.Р.Холмўминов, Н.Қ.Зокирова, В.Т.Габзалилова, Н.У.Арабов, З.Я.Худайбердиев, М.М.Мирзакаримова, Б.Х.Умурзаков, Г.Қ.Абдурахмонова, Н.Х.Рахимова, Д.Н.Рахимова⁷ ва бошқалар асарларида ёритиб берилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси доирасида иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг аҳолини иш билан самарали бандлигини таъминлашга таъсири ҳозирча чуқур тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-2-29-сон «Меҳнат бозорининг самарали ривожланиш истиқболлари» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни инновацион ривожланиши шароитида аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодиётни инновацион ривожланиши шароитида аҳолининг иш билан бандлигининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ўрганиш ҳамда бандликнинг инновацион шакллари ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини таҳлил қилиш;

инновацион иқтисодиётда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашнинг хориж тажрибалари, шу жумладан, янги илмий қарашлар ва

⁵ Bailey M. National income and the price level: A study in macroeconomic theory. N.Y., McCraw-Hill, 278, 1971.; Агабекян Р.Л., Авагян Г.Л. Современные теории занятости. Учебное пособие для вузов – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012.- 190 с.; Hussmanns R. Measuring the Informal Economy: From Employment in the Informal Sector to Informal Employment. // Bureau of Statistics Working Paper. – 2004, no. 53. – Geneva: International labour Office; Diamond P.A. Aggregate Demand Management in Search Equilibrium / P.A.Diamond // Journal of Political Economy. – 1982. – Vol. 90. – № 5. – P. 881-894.; . Mortensen D. T. Wage Dispersion in the Search and Matching Model / D. T. Mortensen // American Economic Review : Papers & Proceedings. – 2010. – Vol. 100. – P. 338-342.; Pissarides C. Equilibrium Unemployment Theory. Cambridge, MA: MIT Press, 2000.

⁶ Агабекян Р. Л., Баяндурян Г. Л. Институциональная экономика. Бизнес и занятость; Магистр – Москва, 2013. – 464 с.; Алиев И.М. Экономика труда: Учебник для бакалавриата и магистратуры / И.М. Алиев, Н.А. Горелов, Л.О. Ильина. – Люберцы: Юрайт, 2016. – 478 с.; Мазин А.Л. Экономика труда: Учебное пособие / А.Л. Мазин. – М.: ЮНИТИ, 2016. – 623 с.; Одегов Ю.Г. Экономика труда: Учебник и практикум для академического бакалавриата / Ю.Г. Одегов, Г.Г. Руденко. – Люберцы: Юрайт, 2016. - 423 с; Рофе А.И. Рынок труда: учебник. – М.: КНОРУС, 2018. – 260 с.

⁷ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. «FAN» нашриёти Тошкент – 2019; Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. – Т.: Ўқитувчи, 2018. – 678 б.; Зокирова Н.Қ., Шоюсупова Н.Т., Габзалилова В.Т., Абдурахманова Г.Қ. Аҳолини иш билан бандлигини тартибга солиш: Монография.-Т.: ТДИУ, 2011; Мирзакаримова М.М. Экономический цикл: структурные изменения и вопросы занятости. – Т.: Фан, 2010. – 215 с.; Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув кўлланма. –Т.: «Фан ва технологиялар», 2016.

концепцияларни ўрганиш ҳамда уларни республикамизда қўлланилишини таҳлил қилиш;

иқтисодий инновацион ривожланишининг республика аҳолисини иш билан бандлигига таъсирини таҳлил қилиш, ишчи кучини иш билан таъминлашнинг янги шакллари амалиётга жорий этишни асослаш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш давлат дастури структурасини такомиллаштириш;

Ўзбекистон аҳолисининг иш билан бандлик даражасини ҳудудлар кесимида таҳлил қилиш ҳамда иш билан бандликни таъминлашда давлат-хусусий шерикликнинг салоҳиятини баҳолаш;

инновацион иқтисодий учун юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг истиқболлари сифатида олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш вазифаларини таҳлил қилиш ҳамда рақамли иқтисодийнинг ривожланишида иш билан бандлигини ошириш йўналишларига аниқлик киритиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифаларининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган амалиётни таҳлил қилиш ҳамда улар учун иш жойларини захира қилиш механизмининг такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг иш билан бандлик ҳолати олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, инновацион иқтисодийда меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда юзага келадиган ижтимоий-меҳнат муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида таркибий, мантиқий ва таққослама таҳлил, иқтисодий-статистик, гуруҳлаш ва бошқа усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

меҳнат ресурслари шаклланишининг аҳоли иш билан бандлигига интеграцияси асосида Ўзбекистон учун меҳнат ресурслари балансининг замонавий тузилмаси ҳамда ҳисобот ва прогноз балансини шакллантиришнинг босқичли механизми ишлаб чиқилган;

аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш давлат дастурининг тузилмаси ҳақ тўланадиган жамоат ишлари, вақтинчалик ва бирмарталик ишларни ташкил этиш, иш жойларини захира қилиш, меҳнат қилиш учун ташкилий равишда чет элга юбориш ҳамда касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш йўналишлари асосида такомиллаштирилган;

инновацион иқтисодий учун креатив кадрлар тайёрлаш мақсадида, ривожланган мамлакатларнинг таълим муассасаларда ўқитишнинг махсус STEM дастури тизимини Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ривожлантириш таклиф этилган;

ижтимоий ҳимояга муҳтож ва меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган аҳоли тоифалари учун ташкилотларда иш жойларини захира қилишнинг босқичли механизми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

иқтисодиётни инновацион ривожланиши шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашнинг эгилувчан меҳнат бозорини тартибга солиш модели такомиллаштирилган;

мамлакатни инновацион ривожлантириш, иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш билан бир қаторда аҳолини самарали иш билан таъминлашнинг асосий йўналиши эканлиги асосланган;

иқтисодиётни инновацион ривожланиши шароитида меҳнат ресурслари балансининг янгиланган тузилмаси, уни шакллантиришни ташкил этиш механизми ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш давлат дастурининг тузилмаси бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

инновацион иқтисодиётни шакллантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларига аниқлик киритилган ҳамда аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш учун инновацион соҳаларда янги иш жойлари ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилан.

ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни, айниқса аёллар, таълим муассасалари битирувчилари (ёшлар), ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Иқтисодиёт ва саноат ҳамда Инновацион ривожланиш вазирликлари, Давлат статистика қўмитаси, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг таҳлилий ва статистика маълумотлари, мамлакат ва хорижий илмий муассасалари тадқиқотларининг хулосалари, халқаро ва республика илмий конференциялар материалларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, таклиф ва тавсиялар ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улардан меҳнат бозорини тартибга солиш сиёсатини, янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича жорий ва истиқболга мўлжалланган давлат ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улар ижтимоий-меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш, инновацион иқтисодиёт шароитида аҳолининг иш билан таъминлаш даражасини ошириш, иш берувчиларнинг янги иш жойлари барпо этишларини рағбатлантиришда фойдаланилиши билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларидан шунингдек, олий таълим муассасаларида меҳнат иқтисодиёти ва социологияси, ижтимоий-меҳнат муносабатлари иқтисодиёти, ижтимоий-меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш фанлари бўйича маърузалар матни, ўқув қўлланмалар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илмий иш доирасида ишлаб чиқилган таклиф, тавсия ва илмий хулосалардан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган:

меҳнат ресурслари шаклланишининг аҳоли иш билан бандлигига интеграцияси асосида Ўзбекистон учун ишлаб чиқилган меҳнат ресурслари балансининг замонавий тузилмаси ҳамда ҳисобот ва прогноз баланси шакллантиришнинг босқичли механизми Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1011-сон «Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 05.11.2019 й. 01/00-01/10-8720-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида иқтисодий фаол, иқтисодий нофаол аҳолини ва ишсизларни жинси, ёши, маълумот даражаси бўйича аниқлаш, иш билан банд бўлганларни жинси, ёши, маълумот даражаси, иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари бўйича аниқлаш ҳамда ҳар йили ишлаб чиқиладиган аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш давлат дастуринининг лойиҳасини шакллантиришда фойдаланиш учун иш ўринларининг талаб ва таклифини аниқлаш имконини берган;

аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш давлат дастурининг тузилмасини ҳақ тўланадиган жамоат ишлари, вақтинчалик ва бирмарталик ишларни ташкил этиш, иш жойларини захира қилиш, меҳнат қилиш учун ташкилий равишда чет элга юбориш ҳамда касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш йўналишлари асосида такомиллаштириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3506-сон «2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш Давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорни шакллантиришда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 05.11.2019 й. 01/00-01/10-8720-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий қилиниши аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш дастурида қўшимча равишда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш, вақтинчалик ва бир марталик иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ва меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган аҳоли учун иш жойларини захира қилиш, ишсизларни касбга ўқитиш ва қайта ўқитиш орқали иш билан таъминлаш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкилий равишда чет элларга юбориш ҳамда ишсизлик нафақаси тўлаш йўналишлари киритилиб, ушбу йўналишларни мониторинг қилиш тизими жорий этилди;

инновацион иқтисодиёт учун креатив кадрлар тайёрлаш мақсадида, ривожланган мамлакатларнинг таълим муассасаларда ўқитишнинг махсус STEM дастури тизимини Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ривожлантириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Вазирлар Маҳкамасининг 25.10.2019 й. 14/1-3312-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида

замонавий инновацион иқтисодиёт шаклланиши ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши шароитида иқтисодиёт тармоқлари учун креатив бўлган олий маълумотли кадрлар тайёрлаш имконияти яратилади;

ижтимоий ҳимояга муҳтож ва меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган аҳоли тоифалари учун ташкилотларда иш жойларини захира қилиш бўйича ишлаб чиқилган босқичли механизм Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон «Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини шакллантиришда қабул қилинган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 05.11.2019 й. 01/00-01/10-8720-сон маълумотномаси). Таклифни амалиётга жорий этилиши ҳисобига ногиронлиги бўлган шахслар учун захира қилинган иш жойлари сонини 2013 йилдаги 2,7 мингтадан 2019 йилда 19,1 мингтагача, таълим муассасалари битирувчилари учун 56,9 мингтадан 60,2 мингтагача, ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз она, ёлғиз оталар учун 15,0 мингтадан 20,0 мингтагача оширилди;

ногиронлиги бўлганлар ва ишга жойлашиш учун объектив қийинчиликка учраётган фуқароларни ишга қабул қилаётган иш берувчиларни давлат томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 июндаги ПҚ-3782-сон «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан акс эттирилиб, унда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатлами, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш билан бандлигини таъминлаган тадбиркорлик субъектларига ягона ижтимоий тўлов, давлат мулкидан фойдаланиш ва имтиёзли кредитлар ажратиш имтиёзлари кўзда тутилган (Иқтисодиёт вазирлигининг 22.12.2018 й. НБ-6-1/10-41-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши ижтимоий ҳимояга муҳтож иш топишда қийналадиган фуқароларни ишга қабул қилган ташкилотларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш имконини беради;

олий таълим муассасаларига мустақил равишда қабул қилиш ҳуқуқини бериш, ногиронлиги бўлган шахсларга олий таълим муассасаларида ўқиш учун қўшимча имкониятлар яратиш, корхоналарда кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган ишчиларга олий таълим муассасаларида ўқиши учун енгилликлар бериш орқали олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш миқдорини ошириш юзасидан берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4359-сон «2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Вазирлар Маҳкамасининг 25.10.2019 й. 14/1-3312-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларининг бакалавр таълим йўналишига 2019/2020 ўқув йилида

мустақил қабулдан ташқари 102,4 минг нафар талабаларни қабул қилиш белгиланди (2018/2019 ўқув йилига нисбатан 126,5 фоиз).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференция ва семинарларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация иши мавзуси бўйича унинг асосий ғоялари ва мазмунини ақс эттирадиган жами 15 та илмий ишлар чоп этилган, шундан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси эътироф этган журналларда 9 та илмий мақола ва илмий-амалий конференцияларда 6 та маъруза тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ишининг умумий ҳажми 143 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби – **«Иқтисодиётни инновацион ривожланиши шароитида аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишнинг назарий асослари»**да иш билан бандликнинг классиклар, кейнсчилар, янги классиклар, монетарчилар ва институционалчилар ва бошқа илмий мактабларнинг назарияси таҳлил этилган ва умумлаштирилган. Иқтисодиёт назариясида иш билан бандликнинг илмий масаласига турлича ёндашувлар ўзига хос классиклар, кейнсчилар, монетарчилар ва институционалчиларнинг мактаблари шакллантирилган (1-жадвал).

Аҳолининг иш билан бандлигига назарий-методологик ёндашувларнинг генезисиди, биринчи навбатда А.Смитнинг (1723-1790) бозорни «илганмас қўли» ғояси келтирилади.


Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши, ахборот-коммуникация технологиялари ниҳоятда тараққий этиши натижасида «рақамли иқтисодиёт»нинг шаклланиши меҳнат бозорида иш билан бандликнинг замонавий, мутлақо янги эгилувчан ҳамда масофада туриб, виртуал ишлаш турлари - персонал лизинги, аутстаффинг, аутсорсинг, фрилансер, коворкинг ва бошқаларни пайдо қилди.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг янги тенденциялари меҳнат фаолияти шартларини қатъий белгилаб қўйиш, ходимларни иш билан бандлиги ва ижтимоий ҳимояланиши кафолатланиши талабларига зид кела бошлаган бўлса-да, бу иш берувчиларнинг ҳам, ёлланма ходимларнинг ҳам танлаш эркинлигини чегаралаб қўяётган шароитда Р.Буае ва Г.Стендингнинг эгилувчан меҳнат бозори концепцияси пайдо бўлган.

Аҳолининг иш билан бандлиги назариялари⁸

Иқтисодий назария мактаблари	Иқтисодий назария мактаблари намояндалари	Иқтисодий назария мактаблари концепциялари
Классиклар	А.Смит, Д.Рикардо, А.Маршалл	Иш билан тўла бандлик бозор иқтисодиётининг нормаси, энг яхши иқтисодий сиёсат эса давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслигидир.
Кейнсчилар	Ж.Кейнс, Р.Солоу, Д.Робинсон	Иқтисодиётда иш билан тўла бандликни кафолатловчи механизм йўқ. Иш билан тўла бандлик қонуният эмас, балки тасодифдир. Давлат томонидан меҳнат бозорини тартибга солишнинг энг асосий вазифаларидан бири иш билан тўла бандликка эришишдир.
Монетарчилар	М.Фридман, Д.Гилдер, А.Лаффер	Иш билан бандлик фақат кутилмаган инфляция билан боғлиқ, чунки унинг даражаси қанчалик юқори бўлса, такрор ишлаб чиқариш иштирокчилари нарх-навонинг кейинчалик кўтарилишини шунчалик кўпроқ ҳисобга олади.
Янги классик назария	П.Самуэльсон, К.Макконнел, С.Брю	Аҳолини иш билан таъминлашда бир йўла, ўзаро боғлиқ ҳолда давлат ва бозорнинг меҳнат бозоридаги талаб ва таклифини тартибга солиш воситаларидан фойдаланиш керак.

Эгилувчан меҳнат бозори меҳнат ресурсларининг сони, сифати ва баҳосида ўз ифодасини топадиган ёлланма ходимларга бўлган талаб ва уларнинг таклифига мутаносибликка қодирлик сифатида баҳоланади⁹. Эгилувчан меҳнат бозори уни тартибга соладиган механизмларга эркинлик бериш ва ривожланишнинг муқобил моделларини эркин танлашни таъминлашга даъват этилган давлат, иш берувчи, касаба уюшма ва ходим ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг турли шакллари ишлаб чиқишни назарда тутди (1-расм).

1-расм. Эгилувчан меҳнат бозори концепцияси¹⁰


⁸ Муаллиф томонидан тайёрланган.

⁹ Standing G. Unemployment and labor market flexibility: The United Kingdom. Geneva, 1986.

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Классик иқтисодиёт асосчиси ўз концепциясини асослаш учун «иқтисодий одам» атамасини ҳам муомалага киритган. Унинг фикрига кўра, «иқтисодий одам» ўз шахсий манфаати ва мақсадини кўзлаб, турмушини яхшилашга интилади. Шунинг учун инсон бозор иқтисодиётида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотининг қиймати юқори бўлган ва кўп фойда келтирадиган фаолият турини танлашга интилади¹¹.

Иш билан бандликнинг замонавий концепциялари қаторида меҳнат бозорида ходимларнинг иш жойини эгаллаш имкониятлари ва омиллари назарияси ҳам мавжуд. Ушбу ғоя ёлланма ходимларнинг иш жойини эгаллаш имкониятлари ва омилларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозорини 4 та секторга бўлади (2-расм).



2-расм. Меҳнат бозори ходимларнинг иш жойини эгаллаш имкониятлари ва омиллари секторлари¹²

1. Меҳнат бозорининг ёлланма ходимлари ноёб касб ва ихтисосликка эга бўлганликлари учун муайян иш жойларини эгаллашда мутлақ устунликка эга бўладиган секторида иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасида номуносиблик пайдо бўлади. Чунки, иш берувчилар ана шундай меҳнат ресурсларининг бошқа муқобил манбалари мавжуд бўлмаганлиги учун мазкур ноёб касб ва ихтисосликка эга ёлланма ходимларнинг ҳар қандай талабларига мослашишга мажбур бўлади.

2. Меҳнат бозорида бир хил тоифадаги ёлланма ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилаётган касаба уюшмаларининг ўзаро рақобатлашаётган сектори. Бундай меҳнат бозорида иш кучига бўлган талаб ва унинг таклифи таркиби ва динамикасидан келиб чиққан ҳолда турли зиддиятли вазиятлар пайдо бўлади.

3. Меҳнат бозорининг иқтисодий фаоллиги сусайиши кузатилаётган ҳолатдаги секторида меҳнат ресурсларига талаб ва унинг таклифи турлича бўлади. Айрим ҳолатларда иқтисодий ўсишнинг пасайиши ишсизликни юзага

¹¹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2007. –С.330-335.


¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

чиқаради, бошқа вазиятларда меҳнат ресурсларига талаб ортади ҳамда иш билан банд ходимлар мавжуд ҳолатга мослашиб кетади ёки меҳнат бозорининг бошқа секторларидан иш топа олади.

4. Иш билан бандликнинг кенг малака тоифалари мўлжалланган меҳнат бозорининг паст ихтисосли сектори. Бундай меҳнат бозорида ишлаб чиқаришнинг пасайиши ҳолатларида энг аввало юқори малакага эга мутахассислар устунликка эга бўлади¹³.

Иккинчи боб – «Иқтисодий инновацион ривожлантиришда – аҳолининг иш билан бандлик даражасининг замонавий ҳолати таҳлили» деб номланиб, унда меҳнат ресурсларини шакллантиришнинг турлари ва меҳнат ресурслари тоифалари ҳамда Ўзбекистоннинг меҳнат ресурслари таҳлил қилинган. Иқтисодий инновацион ривожлантиришда иш билан бандликнинг хусусиятлари ўрганилган ва давлат-хусусий шериклигининг афзалликлари, шакллари ҳамда ушбу турдаги лойиҳаларни амалга оширишда хусусий бизнесга давлат кафолатлари ва қўллаб-қувватлаш воситалари кўрсатилиб, иш билан бандликни таъминлашда унинг аҳамияти очиб берилган.

Болалар ва оналар ўлими ҳамда умумий ўлим даражалари камайганлиги, ўртача умр кўриш давомийлиги ошганлиги ҳисобига мамлакат аҳолиси сони 1991 йилнинг бошидаги 20,6 млн. кишидан, бугунги кунда 33 млн. нафардан ошди. Меҳнат ресурслари шаклланишида меҳнатга лаёқатли ёшдагиларнинг умумий аҳоли сонидagi улуши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг жами аҳоли сонидagi улуши 1991 йилдаги 49,1 %дан 2018 йилда 59,5 %га етди (3-расм).




3-расм. Аҳолининг ёш таркиби ва ўсиш динамикаси (йил бошига)¹⁴

Ҳудудлар кесимида меҳнат ресурсларининг сони бўйича Самарқанд (2 101 минг) ва Фарғона (2 045 минг) вилоятлари етакчилик қилаётган бўлса, айрим ҳудудларда меҳнат ресурсларининг мамлакат миқёсидаги улуши аҳоли умумий сонининг улушидан катта (Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Наманган вилоятлари, Тошкент шаҳри). Бу мамлакатда ишсизлик даражасига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Меҳнат ресурслари баланси тузилмасида иқтисодий

¹³ Панорама экономической мысли конца XX столетия [Текст] / под ред. Д. Гринэуэя, М. Блини, И. Стюарта: в 2 т. / пер. с англ. под ред. В. С. Автономова и С. А. Афонцева. – СПб.: Экономическая школа, 2002. – Т.1. – 668 с.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланди

тармоқлари кесимида иш билан банд бўлганлар кўзда тутилмаганлиги ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини аниқ ҳисоблаш имконияти бўлмаганлиги боис, биз томондан меҳнат ресурслари балансини шакллантиришни ташкил этишнинг замонавий Методикасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш лозимлиги таклиф этилди¹⁵ ҳамда Ўзбекистон учун ҳудудлар кесимида шакллантириш зарур бўлган меҳнат ресурслари балансининг янгиланган тузилмаси ишлаб чиқилди (4-расм).




4-расм. Меҳнат ресурслари баланси тузилмаси¹⁶

¹⁵ Иқтисодиёт ва таълим илмий журналининг 2016 йил 1-сонида «Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва аҳоли бандлигини таъминлаш сиёсати» мавзусида нашр этилган илмий мақола.

¹⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур янги тузилма асосида меҳнат ресурсларининг ҳисобот ва прогноз балансини шакллантиришни ташкил этиш ҳамда уни амалда қўллаш механизми ишлаб чиқилди (5-расм).



5-расм. Меҳнат ресурсларининг таклиф этиладиган ҳисобот ва прогноз балансини шакллантириш механизми¹⁷

¹⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Таклиф этилган янги тузилма ва механизмлар асосида ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжалиklarини меҳнат билан бандлик бўйича ўрганишлар ўтказиш сўровномалари ҳамда меҳнат ресурслари балансини шакллантириш механизми ва методикаси такомиллаштирилди¹⁸.

Такомиллаштирилган сўровнома, механизм ва методикага биноан меҳнат ресурслари балансини жинс, ёш, маълумот даражаси бўйича, иш билан банд бўлганларни иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари бўйича аниқлаш имкони мавжуд. Амалга оширилган ижтимоий суровномалар натижасида аниқланган ишсизлар сони аввалги аниқланган маълумотлардан жиддий фарқлашини кўрсатди. Жумладан, ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 2013 йилда – 4,9 %ни, 2015 йилда – 5,2 %ни, 2017 йилда – 5,8%ни ташкил этган бўлса, 2018 йилда ишсизлик даражаси 9,3 %ни ташкил этди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда янги усул асосида аниқланган ишсизлар сони¹⁹

Худудлар номи	Эски усул						Янги усул	
	2013 йил		2015 йил		2017 йил		2018 йил	
	Ишсизлар сони (минг киши)	Ишсизлик даражаси, %	Ишсизлар сони (минг киши)	Ишсизлик даражаси, %	Ишсизлар сони (минг киши)	Ишсизлик даражаси, %	Ишсизлар сони (минг киши)	Ишсизлик даражаси, %
Қорақалпоғистон Республикаси	40,3	6,2	35,4	5,3	41,6	6,0	74,3	9,5
Андижон	68,5	5,4	75,6	5,6	84,9	6,0	134,9	9,6
Бухоро	40,9	4,8	48,2	5,5	48,1	5,5	77,6	9,0
Жиззах	22,2	5,1	24,0	5,2	24,4	5,0	52,8	9,4
Қашқадарё	58,3	5,2	66,1	5,5	78,6	6,1	131,3	9,7
Навоий	22,8	5,2	22,4	5,0	23,3	5,2	38,6	8,6
Наманган	49,6	5,2	53,3	5,2	64,1	5,8	111,1	9,5
Самарқанд	76,2	5,3	86,7	5,7	106,7	6,5	157,3	9,7
Сурхондарё	47,6	5,2	53,7	5,5	71,0	6,7	105,3	9,5
Сирдарё	15,2	4,2	18,2	4,9	18,8	5,1	36,5	9,7
Тошкент	46,8	3,6	54,2	4,1	71,3	5,2	122,1	9,0
Фарғона	72,9	4,8	85,6	5,4	104,8	6,4	155,6	9,7
Хоразм	37,1	5,3	39,5	5,4	44,0	5,7	74,2	9,5
Тошкент ш.	41,3	3,4	46,5	3,8	55,4	4,5	97,1	7,9
Ўзбекистон Республикаси	639,7	4,9	709,4	5,2	837,0	5,8	1 368,6	9,3

Мамлакатда 1 млн. 368 минг киши ишсиз бўлгани, ҳар йили меҳнат ресурсларининг сони 350-370 минг кишига кўпаётган шароитда барқарор янги иш жойлари яратиш энг жиддий муаммолардан бирига айланган. Ҳар йили ташкил этилаётган янги иш жойларининг тўртдан уч қисми кичик бизнес ва

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1011-сон қарори, www.lex.uz

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

хусусий тадбиркорлик хиссасига тўғри келади. Иқтисодиётнинг бу секторида яратилаётган иш жойлари эса аксарият ҳолларда беқарор хусусиятга эга.

Шу боис, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида давлат органлари фаолиятининг самарадорлиги ва масъулиятини ошириш мақсадида, Ўзбекистонда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш имкониятлари ва йўналишлари тизимлаштирилган ҳолда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш давлат дастурининг тузилмаси такомиллаштирилди (6-расм).



6-расм. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш дастурининг таклиф этилган тузилмаси²⁰.

Мехнат ресурсларининг сони билан бир қаторда унинг сифати, яъни инсон капитали алоҳида аҳамиятга эга. Жаҳон банки томонидан амалга оширилган таҳлил натижалари Ўзбекистонда иш берувчиларнинг 49 %и олий таълимга эга малакали мутахассислар етишмаётганлигини кўрсатган²¹. Бироқ, мамлакатда юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, олий таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш билан боғлиқ долзарб масалалар тўлиқ ечимини топмаган.

Хусусан, иқтисодиёт соҳаларининг истиқболда кадрлар тайёрлашга буюртмаларини шакллантириш, битирувчиларга қўйиладиган малакавий талабларни ишлаб чиқиш, тармоққа зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш сифатини таъминлаш жараёнидаги иштироки талабга жавоб бермайди²². Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистонда ўрта

²⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

²¹ <https://openknowledge.worldbank.org> «Развитие профессиональных умений для расширения возможностей трудоустройства в Узбекистане» стр. 26

²² www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3451-сон қарори.

махсус таълим масканлари битирувчиларини олий таълим билан камраб олишни 2018/2019 ўқув йилдаги 15%дан 2019/2020 ўқув йилида 20%га етказиш ва келгуси йилларда ошириб бориш – муҳим вазифамиздир»²³ деб алоҳида таъкидладилар.

Ҳозирги вақтда АҚШ, Германия, Япония, Франция, Буюк Британия, Канада, Сингапур, Исроил ва бошқа қатор мамлакатларда инновацион иқтисодиёт шаклланиб ва ривожланиб бораётган давлатлар ҳисобланади. Уларнинг инновацион иқтисодиёти: таълим ва фаннинг юксак даражада ривожланганлиги; инсон капиталининг юксак сифати ва қиймати; миллий иқтисодиётнинг 4-6-технологик тартибга эга эканлиги; миллий иқтисодиётда инновациявий корхоналар салмоғининг юқори эканлиги (60-80% дан ортганлиги); миллий иқтисодиётда инновацияларга талабнинг юқорилиги ва инновациялар таклифининг ортқчалиги; миллий иқтисодиётнинг юксак рақобатдошлиги; иқтисодий эркинлик индексининг юқорилиги; билимлар индустриясининг тараққий этганлиги ва билимлар экспорти ҳажмининг катталиги; янги бозорлар ташкил этилиши суръатлари юқорилиги каби хусусиятларга эга.

Шунинг учун Ўзбекистон инновацион ривожланиш йўлини танлади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бу ҳақда «Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак»²⁴ деб таъкидлаган.

Иш билан инновацион бандлик кўпгина омилларни: мавжуд инновацион ва инвестиция муҳити, иш жойлари тизимининг ҳолати, ишлаб чиқариш жараёнининг ташкил этилиши ва ҳоказоларни камраб олганлиги сабабли уни баҳолаш ҳам мураккаб. Буни ҳисобга олган ҳолда иш билан инновацион бандликни баҳолашнинг омил ва кўрсаткичлари шакллантирилди (3-жадвал).

Ўзбекистонда ҳозирги давр амалиётидан келиб чиққан ҳолда инновацион иқтисодиётда ижтимоий-меҳнат муносабатларининг қонунчилигини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Фуқаролик кодексида ва «Аҳолининг бандлиги тўғрисида»ги қонунда «ёлланма ходим» ва ходимлар бошқа тоифаларининг аниқ ва муфассал таърифи берилмаган. Амалдаги қонунчиликда, шунингдек «вақтинча ва мавсумий ходимлар», «касаначилар», «масофада туриб ишлайдиган ходимлар» ҳамда иш билан бандликнинг бошқа замонавий шакллари тушунчаси мавжуд эмас. Ҳолбуки, қонунчилик бу тоифа ходимларнинг бандлиги хусусиятлари билан бир қаторда уларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши кафолатларини ҳам тартибга солиши керак.

²³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, www.president.uz

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь

Бугунги кунда меҳнат шартномаси ҳам меҳнатнинг ташкил этилиши хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат муносабатлари томонларининг манфаатларини ҳуқуқий тартибга солиш ва уларга амал қилиш функциясини тўлиқ бажара олмаяпти. Жумладан, фуқаролик-ҳуқуқий шартномада меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимларнинг ижтимоий кафолатлари белгиланмаган.

Чет элларда бу муаммо юзага чиқмайди, чунки меҳнат дафтарчаси юритилмайди ва ходимнинг меҳнат стажи унинг томонидан тақдим этилган, меҳнат фаолиятини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида расмийлаштирилади.

Умуман амалдаги меҳнат шартномасига талаблар меҳнат фаолиятининг ҳозирги даврдаги турлари ва шаклларини ўзида ифода этишга қодир бўлмай қолди. Шунинг учун инновацион иқтисодиётда иш билан бандликнинг барча эгилувчан ва ностандарт шакллари хусусиятларини акс эттирадиган меҳнат шартномасининг намунавий шакллари ишлаб чиқилиши зарурати туғилмоқда.

3-жадвал

Иш билан инновацион бандликнинг омил ва кўрсаткичлари²⁵

Омиллар	Кўрсаткичлар
Ижтимоий-ахборот омиллари	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган шахсий компьютерлар Интернетдан фойдаланадиган тадбиркорлар сони Асосий фондлар эскирганлигининг даражаси
Иқтисодий-ижтимоий омиллари	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми Иш билан банд ходимларнинг патентлар билан таъминланганлик даражаси Ҳар бир ходимга тўғри келадиган рационализаторлик таклифлари сони Ноишлаб чиқариш соҳасида юқори илмий сиғимга эга маҳсулотнинг ЯИМ ҳажмидаги улуши Ноишлаб чиқариш соҳасида юқори тармоқларида ҳосил қилинаётган ЯИМ ҳажми Умумий сотув ҳажмида янги (такомиллаштирилган) товарлар, хизматларнинг улуши Ходимлар таркибида олий маълумотга эга бўлганларнинг улуши Аҳолининг ҳар 10 минг нафарига тўғри келадиган олий таълим муассасалари талабалари сони Иш билан бандларни таълим олишларининг ўртача давомийлиги (йил) Иш билан бандлар ўртасида илмий даражага эга бўлганлар сони Ходимлар умумий сониди малакасини оширганларнинг улуши Корхона жами харажатлари ҳажмида персонални ўқитиш сарфининг улуши
Иш билан бандлик омиллари	Иқтисодиёт соҳаларида интеллектуал меҳнат билан бандларнинг сони Юқори технологияли ишлаб чиқаришларда иш билан бандларнинг улуши Инновацион шартномалар бўйича иш билан бандларнинг улуши Кичик бизнесда интеллектуал меҳнат билан бандларнинг сони Иқтисодиёт соҳаларида жами иш билан бандлар миқдориди тадқиқотлар ва илмий ишлар билан бандларнинг улуши
Меҳнат бозори	Ишсизлик даражаси Узоқ вақт давомида иш излаётганларнинг жами ишсизлар миқдоридидаги улуши Таркибий ишсизликнинг даражаси
Институционал омиллар	Иш билан инновацион бандлик қонунчилик асосларининг мавжудлиги Иш билан инновацион бандлик концепциялари ва дастурларининг мавжудлиги Меҳнат бозори субъектлари учун иш билан инновацион бандлик бўйича Интернетда маълумотлар базасининг мавжудлиги Иш билан инновацион бандликда давлат-хусусий шериклиги

²⁵ Муаллиф томонидан тизимлаштирилган

«Ўзбекистонда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашнинг инновацион йўналишлари» деб номланган учинчи бобда инновацион иқтисодиёт учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш истиқболлари, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши асосида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифаларини иш билан кафолатли таъминлаш масалалари таҳлил этилган.

Инновациявий ривожланиш шароитларида меҳнат унумдорлигини муттасил ошириб бориш, биринчи навбатда, ходимларнинг замонавий билим даражаси ва креативлигига боғлиқ. Креативлик (лотинча «creatio» – «яратиш» сўздан) – бу ходимнинг ижодий қарорлар қабул қилиш ва туб жиҳатдан янги ғоялар яратишга қодирлиги. Америкалик психолог Жой Пол Гилфорд ходим креативлигини тўрт белгисини асослаб берган (7-расм).



7-расм. Ходимнинг креативлик белгилари²⁶


Ходимларда креативлик салоҳияти таълим тизимида шакллантириб борилиши лозим. Бунда, олий таълим тизими алоҳида ўрин тутаяди.

